O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O‘RTA MAXSUS
TA’LIM VAZIRLIGI

100095, Toshkent, 2-Chimboy ko‘chasi, 96-uy
Tel: (998) 71 246-01-95, e-mail: info@edu.uz, www.edu.uz

MINISTRY OF HIGHER AND
SECONDARY SPECIALIZED
EDUCATION OF THE
REPUBLIC OF UZBEKISTAN

100095, Tashkent, 2-Chimbay street, 96
Ph:(998) 71 246-01-95, e-mail: info@edu.uz, www.edu.uz

2020 йил “27” январь № 87-04-377

**Олий таълим муассасалари ректорлари ва филиаллар директорларига**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2019 йил 4 октябрдаги 22711-хҳ-сон топшириғи билан ижрога қаратилган Олий мажлиси Сенатининг раиси ва Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири раислигида 2019 йил 30 сентябрда бўлиб ўтган мажлис баёни билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 5 та ташаббуси бўйича имплементация стратегиясини жорий этиш бўйича тадбирлар режаси”нинг 28-бандида таълим муассасалари ўқитувчилари учун корпоратив мобил интернетни яратиш вазифаси белгиланган.

Топшириқ ижросини таъминлаш мақсадида Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан барча мобил алоқа операторларидан таклифлар олинган *(1-илова)*.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Сиздан олий таълим муассасаси ва олий таълим муассасаси ҳузуридаги академик лицейда мобил алоқа операторларининг таклифларини ўрганиб чиқилишини ва ушбу дастурда қатнашадиган ўқитувчилар сони тўғрисидаги маълумотларни 2-иловада келтирилган жадвалга мувофиқ **жорий йилнинг 31 январь санасига қадар** depcontrol@edu.uz электрон почта манзилига юборилишини таъминлашингиз сўралади.

Изоҳ: *Ушбу дастурда иштирок этиш ва таърифга уланиш ихтиёрий.*

Илова 2 бет.

**Вазир ўринбосари** **С.Бузрукхонов**

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O‘RTA MAXSUS TA’LIM VAZIRLIGI

Исп: А.Абдуллаев
Тел: 78-148-14-83

**Таълим муассасалари ўқитувчилари учун корпоратив мобил интернетни яратиш юзасидан мобил алоқа операторларининг ТАКЛИФЛАРИ**

**1. “Ўзбектелеком” АК (Uzmobile):**

“Таълим” тариф режасини жорий этиш (ойлик тўлови 29 900 сўм, тарифга киритилган сўзлашувлар лимити 1 000 минут, Интернет трафиги лимити 4 000 Мб, SMS лар лимити 200 та);

**2. “Unitel” МЧЖ (Beeline):**

мавжуд “Ustoz” тариф режасидан фойдаланиш;

**3 “UMS” МЧЖ (MobiUz):**

мавжуд “O`qituvchi 1” (ойлик тўлови 16 000 сўм, сўзлашувлар 2 000 минут, SMS лар 100 та) ва “O`qituvchi 2” (ойлик тўлови 30 000 сўм, сўзлашувлар 2 000 минут, Интернет 3 000 Мб, SMS лар 100 та) тариф режаларидан фойдаланиш;

**4. “Coscom” МЧЖ (Ucell) ва “RWC” МЧЖ** лар томонидан мавжуд жозибадор корпоратив тариф режаларидан фойданиш.

***2-илова***

| | |
|---|---|
| **ОТМ номи** | **Дастурда қатнашувчи ўқитувчилар сони** *(мобил алоқа операторлари томонидан таклиф этилган таърифларга уланувчилар сони)* |
| | |
| **Академик лицей номи*** | **Дастурда қатнашувчи ўқитувчилар сони** *(мобил алоқа операторлари томонидан таклиф этилган таърифларга уланувчилар сони)* |
| | |

* ҳузурида академик лицей мавжуд бўлган олий таълим муассасалари томонидан тўлдирилади.